Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 9 ноябрь, шанба • № 89 (10.864) • Эркин нархда сотилади

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

6 ноябрь куни халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концери, корпорация, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Мустақиллик шароитида ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир қилаётган ишимиз халқимизнинг бекиёс яратувчилик салоҳиятини, бунёдкорлик истеъдодини, куч ва қудратини яққол кўрсатмоқда.

Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадлари учун жаҳон илғор андозаларига ва тажрибаларига, шу билан бирга қадимий миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ва уйғунлашган ҳолда дадил қадам қўймоқдамиз.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир.

Мана сизга оддий бир маиший мисол: Наманган вилоятида бутун собиқ шўролар замонида бор-йўғи 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Истиқлол даврининг беш йилида эса 90 минг хонадон газлаштирилди.

Бу содда рақамлар мустабидлик шароити билан мустақиллик шароити ўртасидаги фарқни жуда яққол кўрсатади. Бир ўйлаб қарайлик, беш йил муқаддам Нанай, Чодак қишлоқларига табиий газ боришини ким ҳам тасаввур қиларди?!

Бугунги кунда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 74 фоизни ташкил этади. Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншооти яқин орада тўлиқ ишга туширилгач, насиб этса, вилоятдаги тўрт туман ва Наманган шаҳри тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саховати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва исломий қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта ҳурмат қиламиз.

Ишлаб чиқариш соҳасида, халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, маънавият ва маданият ривожида ҳам Наманган аҳлининг қилган меҳнатлари ўзининг муносиб ҳосилини ва самарасини бермоқда. Буни мажлисда иштирок этаётган кўпчилик кузатиб бормоқда ва англамоқда. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, албатта.

Лекин қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараб, холисона баҳо берсак, бугунги кунда вилоятда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилиши ҳақида гапирсак, афсуски, кўп жойларда оқсоқлик, оддий фуқароларни норозиликка олиб келадиган ҳолларни, вазиятни кўриш мумкин.

Диққатингизни бир муҳим ижтимоий масалага жалб этмоқчиман. Вилоят аҳолиси кейинги беш йил ичида 263 минг нафар кўпайди ва 1 миллион 820 мингдан ошди. Умумий аҳолининг 62 фоизи қишлоқда жойлашган.

Худо берган болани боқиш, тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало, шу заминда яшаётган ота-онанинг, қолаверса, шу эл тақдири қўлига ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди. Улғайган фарзандларимизга иш топиб бериш, янги замон талаблари даражасида касб-ҳунарга ўргатиш учун ҳар бир қишлоқда, аҳоли зич яшайдиган ҳар бир жойда бугунги бозор иқтисоди талаб этадиган равишда ишлаб чиқариш ва турли хизматларни ташкил этмасдан яна қандай чорамиз, қандай иложимиз бор?

Хўш, шу муаммони ечиш йўлида Наманган вилоятида қандай ишлар қилиняпти? Келинглар, шу нуқтаи назардан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиб кўрайлик.

Маълумки, **иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш, янги иш жойларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг ҳамма турларини муҳайё этишдир.**

Шуни айтиш керакки, вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Аммо қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий корхоналар барпо этиш талаб даражасида эмас.

Мавжуд 6 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналарнинг аксарияти қишлоқ жойларида ташкил этилган бўлсада, уларнинг самарадорлиги паст. Уларнинг ҳар бирида ўртача тўрт киши иш билан таъминланган. Корхоналарнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотиқ билан, олибсотарлик билан шуғулланмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пулли хизмат турлари яхши ташкил этилмаган.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини ривожлантириш бўйича Наманган яқин йилларга қадар намунали вилоятлардан ҳисобланарди. Лекин ички имкониятлардан ва савдо майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳамда савдони ташкил этиш ва бошқаришдаги салбий ҳолатлар натижасида тармоқ оғир аҳволга тушди.

Чакана савдо оборотидаги нақд пул тушуми вилоят бўйича бор-йўғи 12,7 фоизни ташкил этгани ҳолда Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида ҳатто вилоят кўрсаткичидан ҳам анча паст даражададир.

Яқинда Норинкапа қишлоғида бўлган эдим. Бу ерда 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан салкам 2 минг нафари умуман иш билан таъминланмаган. Шунча аҳолиси бўлишига қарамай, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги битта тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси бор.

Айтинг-чи, ишсиз юрган одамларни иш билан таъминлаш, уларга меҳнат қилиш шароитларини яратиш учун ким бош қотириши керак? Қишлоқнинг савдо шохобчалари ниҳоятда ночор аҳволда. Кўринишидан ташландиқ жойни эслатадиган дўконлар таъмирланмаган, пештахталар эса бўмбўш. Кундалик истеъмол молларининг етишмаслиги тўғрисида халқ жиддий эътироз билдирмоқда. Бундай аҳвол на туман ҳокимини, на савдо ташкилотлари раҳбарларини ташвишлантиради. Тўғрироғи, улар савдо, таъминот масалаларини билан мутлақо шуғулланмаган.

Ҳаққулобод ва Чортоқ шаҳарлари ҳамда Норин, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Уйчи туманларида жон бошига чакана савдо оборотининг ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми вилоят кўрсаткичидан 1,5-2 баравар камдир.

Бунинг асосий сабаби савдо шохобчаларида харидоргир моллар камлигида, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, кийим тикиш, транспорт, ҳаммом ва бошқа турдаги хизматлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигида, деб билиш даркор.

Вилоятдаги 555 қишлоқнинг учдан бирида ҳаммом, суратхона, таъмирлаш, косибчилик ва тикувчилик каби маиший хизмат турлари йўқ.

Қишлоқда иш ўринларини барпо этиш масаласи биринчи навбатда вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси бўлса-да, Косонсой ва Поп туманларида бу масалага жиддий эътибор берилмаётир. Ж. Сиддиқов саккиз йилдан буён биринчи раҳбар бўлиб ишлаётган Наманган туманида ҳам маънавий, маданий ва ижтимоий соҳаларда жиддий оқсоқлик мавжуд.

Халқ таълими соҳаси ҳам жиддий эътиборни талаб этади. Вилоятда кейинги беш йилда ўқувчилар сони 39 минг нафар кўпайди. Бу эса ўз навбатида янги мактаб биноларини, қўшимча синф хоналарини қуришни тақозо этади.

Мавжуд мактабларнинг ярмида спорт заллари, тиббиёт пунктлари ва канализация шохобчалари, уларнинг бир қисмида ҳатто ошхона, спорт майдончаси ва водопровод йўқ. 22 мактаб эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган.

Айни пайтда 69 мактаб, 25 болалар боғчаси қурилиши маблағ етишмаслиги сабабли тўхтатиб қўйилган.

Тиббиёт муассасаларининг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Ўпка шамоллаши, вирусли гепатит, тиф каби оғир касалликлар, шунингдек оналар ва болалар ўлими тобора кўпайиб бормоқда.

Бу турдаги касалликлар айниқса Норин ва Наманган туманларида 1,5-2 баравар ошганлиги, оналар ва болалар ўлимининг кўплиги бу ердаги раҳбарларни ташвишга солмаяпти.

Умуман, вилоятда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурининг бажарилиши қониқарли эмас.

Соғлом авлодни тарбиялашда эса спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам биз бу борада ўзимизнинг стратегиямизни аниқ белгилаб олдик. Мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтардик. Вилоятда ҳам янги спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар қурилиши, эскиларини таъмирлаш, спорт байрамларининг ўтказилиши ва «Навбаҳор» футбол жамоасининг муваффақиятли ўйинлари аҳолининг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен «Навбаҳор» футбол жамоасининг улкан ғалабаси — мамлакатимиз чемпиони унвонини қўлга киритгани муносабати билан барча наманганлик футбол мухлисларини самимий табриклайман.

Лекин, ҳурматли депутатлар, спорт соҳасидаги хато ва камчиликлар ютуқларга қараганда анча кўп. Жамоа хўжаликлари тасарруфидаги ўйингоҳлар ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

Спорт мактабларида юқори тоифадаги спортчиларни тайёрлаш талаб даражасида эмас. Ўтган йил давомида вилоятда бор-йўғи уч нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Йирик спорт анжуманларида, жумладан, 1995 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчи ўйинларида атиги бир спортчи қатнашган. Атлантадаги XXVI олимпия ўйинларида эса бирорта ҳам спортчи қатнашмаган. Республикада ўтказилаётган мусобақа турларининг 50 фоизи наманганлик спортчиларнинг иштирокисиз ўтмоқда.

Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларини теран англаши борасида вилоят матбуоти етарли даражада иш олиб бормаяпти. «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталари саҳифаларида ислоҳотлар моҳияти чуқур таҳлил этилган мақолалар ҳам, танқидий чиқишлар ҳам жуда кам.

Вилоят телерадиокомпаниясининг кўп кўрсатувлари юзаки тайёрланмоқда. Улар зерикарли. Мамлакатимиз ва вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳақида етарли ахборот берилмаяпти.

Муҳтарам дўстлар!

Инсон эътикодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ота-боболаримиз динига бўлмиш ислом динига кенг йўл очиб берилди. **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»** Қонун қабул қилинди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлаяпмиз.

Мустақиллик даврига Ўзбекистондан ҳар йили атиги 5-6 нафар киши Макка ва Мадинани зиёрат қилар эди. Ҳозирчи? Фақат Наманган вилоятининг ўзидан ҳар йили 700 нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этмоқда. Давлатимиз бундан кейин ҳам ана шундай муқаддас сафарга бориш истагини билдирган фуқаролардан ўз ёрдамини аямайди.

Динимизга монелик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақламаслик — бизнинг сиёсатимизга бутунлай зид нарсадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш — бу ҳам бугунги сиёсатимизнинг узвий қисмидир, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолатидир.

Ота-боболаримиз ва бизнинг муқаддас эътиқодимиз бўлмиш ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, одамларимизни руҳан пок, иймонини бутун, иродасини бақувват этишдаги, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Худо бизга қўйган талаб битта — иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий деҳқонми — мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

Ва шу билан бирга, бева-бечораларга, етим-есирларга, ночор-ногиронларга мурувватли бўлсин, оллоҳнинг ўзи буюрган фитр ва закот фарзларини бажарсин.

Халқимизда доно бир нақл бор: «Ота рози — худо рози, она рози — пайғамбар рози». Бизни дунёга келтирган азиз инсонларни қанчалик улуғласак, бу ҳам яратганимизнинг назарига тушади ва шубҳасиз, фарзандларимизнинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан ўзидан яхши ном ва яхши из қолдириб, **Оллоҳ ва эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини бажариши шартдир.**

Намангандек табаррук заминда ана шу ақидаларни гапириш ўринли ва ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Агар шу нуқтаи назардан қарасак, бу муқаддас заминда яшаётган, истиқомат қилаётган одамларга қўйдиган талабларимиз ҳам жуда юксак бўлади. Айрим номақбул ишлар, чегарадан чиқишларни Наманган аҳли шаънига зид деб билиш керак.

Масжид — муқаддас маскан. Элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой.

Бироқ, назаримизда, вилоятда масжид қуриш масаласида шўролар даврига хос эскича «кампаниябозлик» авж

(Давоми 2-бетда)

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

МАДҲИЯМИЗ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЯНГРАДИ

ТОШКЕНТ туманидаги 6-мактабда инглиз тилида ўтаётган тадбирларда ўқувчилардан ташқари ота-оналар ҳам иштирок этишмоқда. Бундай кечалар, концерт давраларининг ташаббускори шу йили халқ таълими ходимлари куни арафасида Президентимиз фармонига кўра «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган чет тили муаллимаси Шоҳида Қаюмова бўлди.

Яқинда у юқори синфлар билан ўтказилган «Эркин сўзлашув» дарсида ўқувчилар Республикамиз мадҳиясини инглиз тилида ижро этдилар.


Машғулот иштирокчилари, шунингдек вилоят халқ таълими вакиллари ўз ихтисослигини пухта эгаллаган ўқитувчилардан ҳамда тилни мукаммал ўзлаштираётган ўқувчилардан миннатдор бўлдилар.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

«ФЕРУЗ» МАНЗУР БЎЛМОҚДА

ҚИШЛОҚ маданият уйларида фаолият кўрсатаётган дасталар ранг-баранг концерт томошалари билан санъат муҳлисларига ҳизмат қилмоқдалар. Жумладан, Зангиота тумани Назарбек қишлоқ маданият уйининг «Феруз» ашула ва рақс дастаси ижодий жамоасининг «Қўшиқларда дил изҳори» деб номланган янги дастури эътиборга лойиқдир. Ҳаваскорларнинг чиқишлари мухлисар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Рустам Отажонов саҳналаштирган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



ЗАНГИОТА туманидаги 15-мактабда кимё фанидан дарс бериб келаётган Нурилла Мухсимов шу йил халқ таълими ходимлари куни арафасида кўп йиллик самарали меҳнати, таълим соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

АРЗОНГА СОТИЛЯПТИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги хусусий корхоналар эгалари «Мустақиллик» уюшмасига бирлашдилар. Уни ташкил этишда кўп йиллардан бери савдо соҳасида ишлаб, бой тажриба тўплаган тадбиркор Жўра Отабоевнинг хизмати катта бўлди. «Мустақиллик» уюшмасига 17 та хусусий дўкон эгалари аъзо бўлдилар. Орадан кўп ўтмай яна 20 та дўкон уюшмага киради.

— Янги уюшмани ташкил этишдан мақсад аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишдир, — дейди Жўра Отабоев. — Савдога қўйиладиган маҳсулотларнинг аксарият қисми туманимизда ишлаб чиқарилади. Шу сабабли улар харидорга арзон нархларда етказиб берилмоқда. Тўққиз ойда 1,7 миллион сўм соф фойда олдик. Йил охиригача янги дўкон ва кичик корхоналар қуриб, уларнинг сонини 80 тага етказамиз.

Ҳусан АББАЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-14 ноябрда Бельгияга сафар қилади

БРЮССЕЛЬ ТАШРИФ АРАФАСИДА

Брюсселдаги Халқаро матбуот маркази — «Ай Пи -Си»да чет эл агентликлари газета ва журналлари мухбирлари учун ўтказилган брифингда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бельгия Қироллигига расмий ташрифи ҳақидаги хабар йиғилганларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Маълумки, Брюссель Европадаги халқаро ташкилотлар энг кўп жойлашган шаҳар ҳисобланади. Бу ерда НАТО, Европа Иттифоқи, Европарламентнинг қароргоҳлари жойлашган. Бундан ташқари, уч мингдан ортиқ чет эл компания, фирма ва банки идоралари иш олиб боради. Кўриниб турибдики, журналистлар учун бу гавжум шаҳарда доимо аҳамиятга молик хабарлар топилиб туради.

Худди шундай бўлди ҳам. Жаноб Куэртон Белгия Қироллигига Президент Ислом Каримовнинг расмий ташрифи амалга оширишини эълон қилганда залда жонлашиш сезилди. Саволлар туша бошлади. Ўзбекистон раҳбарининг Бельгия қироли Альберт Иккинчи, НАТО Бош котиби Хавьер Солана, шаҳзода Филипп, бош вазир Жан-Люке Дехане, Европа Иттифоқи Комиссияси президенти Ж. Сантер ва шу ташкилот комиссари Х. Ван Ден Брук билан бўладиган олий даражадаги учрашувлари кўлами журналистлар диққатини тортди. Бундан ташқари, Брюссель мэриясида бўлиш, Вакиллар палатасида қабул ҳам ташриф дастуридан ўрин олган. Матбуот котибининг айтишича, бельгиялик тадбиркорлар ҳам ташқи савдо идорасида Ўзбекистон Президенти билан бўлажак учрашувни сабрсизлик билан кутяптилар.

Анъанага кўра, Бельгия Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби жаноб Куэртон кейинги ҳафта Брюсселда ўтказиладиган ташрифлар ва учрашувлар тартибини ўқиб эшиттирди. Аммо журналистлар бирор нарса белгиламай, бамайлихотир эшитиб ўтиравердилар. Чунки кўпни кўрган журналистлар ҳафтанинг энг муҳим воқеаси хабарлар охирида ўқиб эшиттирилишини яхши билишади.

Брюсселликлар давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Бельгия Ташқи ишлар вазирлиги протоколи бошлиғи Жак де Баэнст ва унинг ходимлари билан уч соат давомида турли ташкилий масалалар муҳокама этилди.

«Бизда олий даражадаги давлат арбобларини қутиб олиш бўйича бой тажриба тўпланган, — деди Жак де Баэнст. — Аммо биз қирол Альберт Иккинчининг Президент Ислом Каримов ташрифига алоҳида эътиборини ҳисобга олиб, режадаги барча учрашувларнинг самарали бўлиши учун бор имкониятларимизни ишга солмоқчимиз».

Темур НИЗАЕВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги,
Брюссель шаҳри.

БОР ҲОСИЛНИ ХИРМОН КУТМОҚДА

Пахта — 96

Бу йилги мавсум анча мураккаб келганлигига қарамай вилоятимиз пахтакорлари теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. 7 ноябрь куни вилоят бўйича 2045 тонна пахта тайёрланди. Мавсум бошидан буён уюлган хирмонимиз 248 минг 844 тоннадан ошиб кетди.

ШУНИ алоҳида таъкидлаш керакки, мана, салкам бир ой давомида Тошкент вилояти кунлик ўсишда республика вилоятлари ўртасида пешқадамлик қилиб келмоқда. Аста-секинлик билан вилоятларни қувиб ўтмоқда. Кеча яна икки вилоят — Бухоро ва Қашқадарё ҳам ортда қолди. Кунлик ўсишда яна энг юқори кўрсаткич — 0,73 фоиз миқдорида пахта тайёрланди.

Тобора марра сари яқинлашиб келаётган Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари деҳқонлари, айниқса, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Кеча бу туманларда йиллик режанинг 1,02-0,95 фоизи миқдорида хом ашё тайёрланди. Оққўрғон, Бўка туманлари ҳам теримда уюшқоқлик кўрсатмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси вилоятда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилганлигининг, ташкилий ишлар кучайтирилганлигининг самарасидир. Шуни айтиш керакки, бугунги кунда пахтакорларимизга вилоятнинг барча ташкилот, муассасалари ҳамда сабзаворкор туманлари ишчи-хизматчилари яқиндан кўмак бермоқдалар. Бунда Ангрен, Қибрай, Чирчиқ, Оҳангарон ва бошқа қатор шаҳар, туманлардаги корхона, ташкилотлар жамоаларининг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Марра эгалланишига саноқли кунлар қолди. Шу дамларда қулай келган ҳар бир кун, соатдан самарали фойдаланиш, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ҳар биримиздан янада масъулият билан, янада ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишни талаб этмоқда. Энг муҳими далада ҳосил бор. Бу ҳосилни вилоятнинг катта хирмони кутмоқда.

ХИРМОНГА БАРАКА

Тошкент вилоятида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 8 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун—туманлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун-мавсум бошидан бери		
Ўртачирчиқ	1,02	98,04
Юқоричирчиқ	0,95	96,81
Оққўрғон	0,55	94,97
Бўка	0,60	92,79
Қуйичирчиқ	0,54	86,54
Чиноз	0,56	86,04
Янгийўл	0,86	84,68
Бекобод	0,70	80,74
Пискент	0,96	75,81
Вилоят бўйича	0,73	88,87
1995 йилда бўлган эди	0,16	100,66

«Тошкент ҳақиқати»га обуна давом этмоқда!
газетамиз нашр индекси: 64672

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

олиб кетганга ўхшайди. Кўп асрлик ислом тарихида **юксак маънавият даражаси масжидлар сони билан эмас, балки қавмнинг иймони ва эътиқоди бутлиги, мустаҳкамлиги билан ўлчанган.**

Наманган шаҳридаги 8 минг аҳоли истиқомат қилаётган «Иттифоқ» маҳалласида — 9 та, 7 минг аҳолиси бўлган «Зарафшон» маҳалласида — 7 та масжид бўлгани ҳолда **ана шу маҳаллалар ҳудудида биттадан мактаб бор, холос.**

Ҳашаматли масжидлар қурилишига кетган маблағларнинг бир қисмини мактаблар, маданий-маиший бинолар қурилишига сарфланса бўлмасмиди?

Бир маҳаллада 8-10 та, айрим кўчаларда бир нечталаб масжид қурилиши шартми? Яна такрорлаб айтаман: **ҳақиқий мусулмончилик фақат масжидлар сони билан ўлчанмайди. Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва норасидаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради. Буни асло унутмаслигимиз керак!**

Масжид мавқеи имом ва қавмнинг илму заковати даражасига қараб баҳоланади. Хўш, Наманган вилояти масжидларида аҳвол қандай?

Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни айтишга мажбурмиз: **бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган масжид имомларининг 7 фоизигина махсус диний маълумотга эга, холос. Афсуски, ана шунинг натижасида баъзан диний ақидалар нотўғри талқин қилинишига йўл қўйиляпти.**

Бундай номақбул ҳолатларга чек қўйилади, деб ишонамиз.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энди иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлган **қишлоқ хўжалиги борасидаги ишлар тўғрисида гаплашиб олайлик.**

Вилоят деҳқонлари кейинги 2-3 йилда дончилик, пахтачилик ва чорвачилик соҳасида жиддий оқсамоқдалар. Бунинг асосий сабаби шуки, вилоятда қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш тизими ислоҳотлар, бозор муносабатлари талаби асосида ташкил қилинмаяпти. Ҳар қадамда расмиятчилик, бепарволик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Йил бошида ҳар бир тумандан биттадан хўжаликни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ҳақида баландпарвоз, умумий ваъдалар берилди, бироқ етарли даражада амалий иш қилинмади.

Агар деҳқоннинг қўлида хўжалик ихтиёрида бўлган бойлик — фондлар, меҳнат қуроллари, ернинг соҳиби сифатида ўз ҳиссасини белгиловчи ҳужжати бўлмаса, ўзининг улуши қанчалигини ва қанчалик яхши ишласа ўз пайига мувофиқ кўпроқ даромад олишини билмаса, унда мулкка муносабат ўзгармайди.

Вилоятда уруғчиликка, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор йўқ. Замонавий техника, технология ўзлаштирилмаяпти, ўғит ва сувдан самарали фойдаланилмаяпти.

Бу йил пахтанинг пишиб етилиши 20 кун орқада қолди. Унинг асосий сабаблари баҳорда чигитнинг кеч экилганида, минерал ўғитларнинг ўз вақтида ва талаб этилган миқдорда берилмаганида, коллектор ариқлар тозаланмаганлиги оқибатида ер ости сувларининг кўтарилиб кетганида, ғўзанинг агротехник тадбирлари тўлиқ ўтказилмаганида. Умуман ишга лоқайдлик, масъулиятсизлик билан қарашда. Жонкуярлик, янгиликка интилиш, изланиш ва тадбиркорлик йўқлигида, деб биламан.

Мамлакатимизда **дон мустақиллиги**га эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга вилоят ғаллакорлари ҳам ўз улушларини қўшиб келмоқдалар. Аммо, жорий йилда ғалла етиштириш режасининг 79 фоиз бажарилгани ва ғалла ҳосилдорлигининг режага нисбатан 9 центнер камайгани вилоятда уруғчиликка, ғалла етиштириш технологиясига етарлича эътибор берилмаётганини кўрсатади.

Ачинарли бир мисол: Чуст туманида 1700 гектардаги ғалла эрта баҳорда қайта экилди. Натижада, туманда суғориладиган ердан ғалла ҳосилдорлиги атиги 17 центнерни ташкил этди.

Вилоятда кейинги йил ҳосили учун бошоқли дон уруғи жамғариш топшириғи атиги 54 фоиз бажарилди. Ғалладан бўшаган майдонларда эса такрорий экинлар экиш топшириғи барбод бўлди. Натижада чорва озуқасини жамғаришда талайгина муаммоларга дуч келинмоқда.

Чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Вилоят бўйича барча турдаги хўжаликларда гўшт сотиш топшириғи 82, сут — 58, тухум — 63 фоиз бажарилган, холос.

450 та хўжаликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сигирлар ва қўй-эчкилар сони ўртача 15 фоиздан ортиқ камайганлиги натижасида гўшт ва сут етиштириш ўртача 30 фоиз камайиб кетган. Наманган, Норин ва Чуст туманларида эса чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5-2 баравар камайган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган муносабат ва ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Мавжуд техникаларнинг 40 фоиздан ортиғи ишга яроқсиз ҳолатга келган. Уларнинг аксарияти эскирган. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Кейинги уч йилда атиги 6 фоиз янги техника сотиб олинган, холос.

Табиий савол туғилади, агар ернинг унумдорлиги, экиннинг ҳосилдорлиги, чорванинг маҳсулдорлиги оширилмаса йилига 2,7 фоиз кўпаяётган аҳолининг таъминоти нима бўлади?

Йирик 148 та саноат корхонасидан 17 таси ишлаб чиқариш ҳажмини 405 миллион сўмга камайтириб юборди. Тўрақўрғон тумани «Ширинлик комбинати», «Шоҳи сўзана» бадиий буюмлар фабрикаси, Учқўрғон йигирув-тўқув акционерлик жамияти фаолияти мутлақо қониқарсиздир.

Вилоят саноатининг етакчи соҳаси ҳисобланган **енгил саноат корхоналарида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга камаймоқда.** Ишчилар сони кескин қисқармоқда. Айниқса Ҳаққулобод йигирув-тўқув акционерлик жамияти, Наманган шойи ишлаб чиқариш, «Атлас», Чуст «Чевар» акционерлик жамиятлари бир неча йилдан буён ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб келаётганликлари ҳеч кимни ташвишлантирмаяпти.

Раҳбарият эса корхона бошлиқларини алмаштириш билан овора. Жумладан, Наманган шойи ишлаб чиқариш корхонасида сўнгги 2 йилда учта раҳбар алмашгани ва кейинги раҳбар ҳам ишни янги хизмат машинаси сотиб олишдан бошлагани ва самарали фаолият кўрсатмаётгани кадрлар танлашдаги шошма-шошарлик эмасми?

Бир вақтлар бу корхоналарда 20 мингдан ортиқ киши ишларди. Ҳозир улар сони тенг ярмига қисқариб кетган. Чунки ишлаб чиқариш кескин камайди. Қишлоқ жойларида очилган филиаллари тўхтаб қолди. Маҳсулот бозори касод бўлмоқда.

Корхоналар омборлари ва савдода туриб қолган товарлар кўринишидаги ўлик капитал миқдори 1,3 миллиард сўмга етди. Бунинг учун ким жавоб беради? Нега халқ мулкига бефарқ қараймиз?

Наманган кимё заводи ишлаб чиқариш ҳажмини 58 фоиз пасайтириб юборган. Сентябрь ойида эса завод умуман ишламаган. Корхона раҳбарлари ҳамон боқимандалик кайфияти билан яшаб, фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга умид боғлаб юрибди.

Наманган вилоятида 56 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Лекин улардан фақат 35 таси фаолият кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам учдан бир қисмигина ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани ташвишли ҳолдир.

Жорий йилда вилоятда республика ҳукуматининг кафолатланган банк кредити ҳисобига 81 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестицияси ўзлаштирилиши керак. Аммо бу маблағларни тезроқ ўзлаштиришга, улардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилмаяпти.

Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини — қурилиш мажмуида қурилишда бажарилган пудрат ишлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Норин, Наманган, Чуст туманларида, Косонсой ва Учқўрғон шаҳарларида 70—80 фоизга тушиб қолган.

Вилоятда капитал маблағларни кўпроқ корхона, ташкилот ва хўжаликлар ҳисобидан ўзлаштиришга эътибор берилмаяпти. Баҳона битта — пул йўқ. Маблағ йўқ. Қачонгача бюджет маблағларига кўз тикиб ўтирамиз?

Аҳолиси зич жойлашган Учқўрғон шаҳри, Норин, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларида якка тартибдаги қурилишлар бўйича топшириқлар бажарилмай келаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири — аҳолига қурилиш материаллари сотиш қониқарсиз ташкил этилганлигида. **Натижада аҳоли лойпахсадан, гуваладан уй-жой қурмоқда. Қурилаётган бинолар эса кўримсиз, ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларга мос келмайди.**

Бир вақтлар вилоятда йилига 150 миллион дона пишиқ ғишт чиқарадиган заводлар бор эди. Қани ўша заводлар? Қани мамлакатимизга довруғи кетган Наманганнинг ўзига хос меъморчилик анъаналари?

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Наманган шаҳридан бир машина ғиштни Норинга олиб келиш учун 2 минг сўм йўл ҳақи тўланса, Норинда ғишт заводи бўлмаса, аҳоли қандай қилиб пишиқ ғиштдан уй қурсин?

Маълумки, **давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида** Наманган вилоятида мўлжалланган асосий кўрсаткичлар бажарилаётган бўлса-да, мавжуд 323 та акционерлик жамиятларида акциялар чиқариш ва сотишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жорий йилда акция сотиш режаси Тўрақўрғон тумани, Чортоқ, Косонсой, Чуст ва Ҳаққулобод шаҳарларида ўртача 40 фоиз бажарилган, холос.

Миллионлаб сўм давлат маблағининг ҳаракатсиз «ўлик» сармоя бўлиб қолишига сабаб бўлаётган 200 та қурилиши тугалланмаган бинолардан атиги 9 таси «ким ошди» савдосида сотилганини қандай баҳоламоқ керак?

Наманган вилоятида эмиссия салмоғини пасайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш, тўлов интизомига қатъий риоя этиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни ташкил этиш талаб даражасида эмас.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлар режаси 103,5 фоиз бажарилган бўлса-да, солиқнинг уч тури бўйича 61 миллион сўм кам маблағ тушди. Шу йил мобайнида бюджетга солиқдан тушмаган тўловлар 1,6 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Вилоят бюджетининг ҳаражат қисми 105,6 фоизни ташкил этиб, 228 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланди. Лекин болали оилаларга нафақага ажратилган маблағ атиги 32 фоиз ўзлаштирилганлиги ёки Наманган туманида умуман нафақа берилмаганлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга зид эмасми?

Вилоятда шу йилнинг 9 ойида эмиссия ҳажми 2,6 марта ўсди. Айниқса Норин, Поп, Чортоқ, Учқўрғон, Мингбулоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманларида аҳвол яна ҳам аянчли.

Хўжалик субъектлари томонидан касса интизомининг бузилиши, яъни тушумни банкка топширмай, кўзда тутилмаган мақсадларга сарфлаш ҳоллари кўпаймоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг барқарор эмаслиги ҳамда пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар натижасида иш ҳақи ва тўловлар ўз вақтида берилмаётир.

Азиз биродарлар!

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда умумий жиноят сони 8 фойиз камайган. Ўта оғир жиноятлар 24 фойиз, оғир жиноятлар сони 6 фойиз, оғир шикаст етказиш ҳолатлари 15 фойиз озайган. Ўтган йилнинг 9 ойида милиция жиноий-қидирув жараёнида жиноятларни очиш даражаси 88 фойизни ташкил этган бўлса, бу йилнинг шу даврида 91 фойизга кўтарилган.

Албатта, бу рақамлар ҳуқуқтартибот органларининг саъй-ҳаракатидан дарак беради. Аммо уларга жиддий эътирозларимиз ҳам бор.

Намангандек хулқ-атвори юксак элда номусга тажовуз этиш ҳолларининг 39 фойиз, товламачилик 31 фойиз, фирибгарлик 15 фойиз ошганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу турдаги жиноятлар айниқса Наманган шаҳри, Косонсой, Наманган, Поп ва Уйчи туманларида кескин ошди. 309 та иқтисодий жиноят аниқланиб, 218 киши, жумладан, 41 киши порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Республика прокуратураси текширишлари натижасида биргина Норин туманида бир неча ашаддий қонунбузарликлар аниқланди ва 14 та жиноий иш қўзғатилди.

Вилоят ва туман судларининг фаолиятига ҳам эътирозлар кўп. Масалан, илгари 7 марта судланган фуқаро Г. Пак ноқонуний равишда тўппонча, милтиқ ва ўқ-дорилар олиб юргани ҳамда наркотик моддаларни сақлагани учун Мингбулоқ тумани суди томонидан атиги 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Аксинча, Наманган шаҳар суди бир жуфт калиш ўғирлагани учун фуқаро К. Раҳматовга қамоқ жазоси берган. Давлатобод туман суди эса иккита аёллар кўйлагини ўғирлагани учун Г. Йўлдошевани 5 йилга озодликдан маҳрум қилган.

Демак, қисқа вақт ичида вилоятда 4 нафар судья, шундан иккитаси порахўрлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам тасодиф эмас экан! Қани судларнинг одиллиги?

Кейинги уч йил ичида 66 нафар милиция ходими жиноий жавобгарликка тортилди. 120 ходим эса ишдан бўшатилди. Норин тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бўлинмаси бошлиғи А. Эшонбобоев, Поп тумани судьяси З. Ҳайдаровалар пора олганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Муҳтарам дўстлар!

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва иймону эътиқодига боғлиқ.

Албатта, ҳар бир сайланаётган ва тайинланаётган раҳбарга халқ жуда катта умид ва ишонч билан қарайди.

Раҳбар сайланаётган пайтда, албатта, энг биринчи навбатда, унинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савияси эътиборга олинади. Ижтимоий ҳолат варақасига бир қарасак, сайланаётган ёки тайинланаётган раҳбарларимизнинг аксарияти бу талабларга тўлиқ жавоб беради. Аммо бу масалада биз иккинчи томонга ҳам жиддий эътибор беришимиз керак.

Бу муҳим савол шундан иборатки, раҳбар лавозимига, курсисига ўтираётган одамнинг иродаси бақувватми, имони бутми, керак бўлса, ўз манфаатини бутунлай унутиб, бошқаларнинг манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳаловатидан воз кечиб, бутун кучини, бутун борлиғини бахш этишга, фидо этишга тайёрми ёки тайёр эмасми?

Айтинглар, азиз дўстлар, бу улуғ мезонни қайси тарозуда ўлчаш мумкин?

Тажриба кўпинча шуни кўрсатадики, янги тайинланган раҳбар аввал бир йил иш ўрганади, одамларни ўрганади. Яна бир йил баҳоли-қудрат ишлайди, ҳаракат қилади. Афсуски, ана шундан кейин, ўзини озгина ушлаб олганидан кейин, бели бақувватгина бўлиб қолганидан кейин, бола-чақани жойлаштириб, яна етти пуштига етадиган мол-бойлик тайёрлаб қўйганидан кейин, қарабсанки, раҳбарнинг ўзиям чақнамайди, кўзиям чақнамайди, ҳаракатлари суст, ишга ҳафсалалари йўқ, қисқача, содда қилиб айтганда, «оқсоқоллик гашти»ни суриб, шунчаки «ҳорманг! — бор бўлинг!», деб юрадиган бўлиб қолади.

Яъни, энди бу одамнинг гўёки иши битган, эшаги лойдан ўтган. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак, деган шиоримиз, даъватимиз, бундай одамнинг қулоғига жуда узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланади.

Очиқ айтишимиз керак: ҳам вилоят, ҳам туман, ҳам хўжалик раҳбарлари орасида мана шу касалликка мубтало бўлганларни учратиш мумкин.

Бу дардга қандай даво бор? Унга қарши қандай дори-дармон топиш мумкин?

Албатта, авваламбор, бу борада давлатимиз қонунчилиги, ҳисобот тартиби, жавобгарлик масъулияти ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Лекин бу касалликнинг энг катта ва энг таъсирчан шифоси борки, **бу — жамоатчиликнинг доимий назоратидир.**

Ҳали иситмаси чиқмасдан туриб, раҳбарнинг биз айтган дардга чалинганини ким биринчи бўлиб сезиши мумкин?

Албатта, унинг атрофида яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа, жамоатчилик. Лекин мен биламанки, буни ошкор қилиш, керакли шошилинч чора-тадбирларни кўриш, аччиқ бўлса-да, раҳбарнинг юзига ҳақиқатни очиқ гапириш, афсуски, негадир бу тартиб бизнинг одатимизга кирмаган.

Бундай тартиб, яъни касалликнинг олдини оладиган таъсирчан тартиб, минг афсуски, ҳаётимизда жуда кам учрайди. Агар бу касаллик қандай хунук оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда тўғри гапиришга журъат этувчи одамлар пайдо бўлса, билиб қўйингки, бундай бечораларнинг боши калтакдан чиқмайди. Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лагандардорлари рост гапни айтган одамнинг ҳолини вой қилади.

Натижада тўғри ва ҳалол гапирадиган одамнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлади, у ҳам кўриб кўрсамликка, билиб билмасликка олиш йўлига ўтади.

Биз **андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик** деган эзгу тушунчаларни ўзига ниқоб этган ана шу қусурдан бутунлай ҳоли, бутунлай халос бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон энг аввало журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиз, тузатишимиз, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур.

Очиқ айтиш керакки, вилоятда кадрларни шошма-шошарлик билан, тадбиркорлик, ташаббускорлик, касбий ва ахлоқий сифатларини чуқур ўрганмаган ҳолда юқори лавозимларга қўйиш ҳоллари мавжуд.

Шу боис ўтган бир йилу тўққиз ой мобайнида вилоят ҳокими ўринбосарлари ва туман, шаҳар ҳокимларидан саккиз нафари ўз вазифасидан озод этилдилар. Жумладан, Чортоқ шаҳри, Чуст тумани собиқ ҳокимлари А. Хожиев ва Р. Муртазоев ўз хизмат вазифаларига ўта бепарволик ва масъулиятсизлик билан қараганлар. Улар суиистеъмолликлар ва қонунбузарликлар учун ҳибсга олинган.

Вилоят халқ депутатларидан беш киши, шу жумладан, Мингбулоқ тумани, Ҳаққулобод шаҳар собиқ ҳокимлари И. Собиров ва Х. Мелибоев жиддий камчиликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б. Абдуғаниев, Ю. Собиржонов ва А. Султонов ҳам худди шундай нуқсонлари учун ўз лавозимларидан озод қилиндилар.

Кадрларни лавозим билан «сийлаш» оқибатида Мингбулоқ, Норин, Чортоқ, Уйчи ва Давлатобод туманлари ҳамда Ҳаққулобод шаҳрида ҳар йили 25-30 фоиз раҳбар кадрлар алмашган.

Муҳтарам дўстлар!

Биз муқаддас заминда яшаяпмиз. Бу азиз тупроқда не-не улуғ аждодларимизнинг, пиру авлиёларнинг хоки бор. Уларнинг руҳи бошимизда чарх уриб кезмоқда. Бугун биз ана шуларнинг армонларини амалга оширишга, келгуси авлодга ўзимиздан ибратли ишларни мерос қолдиришга қарор қилганмиз. Энди бу йўлда ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий хонадонимиз — Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим.

Наманган халқи бу орзу-умидларнинг қадриятини яхши тушунади. Уни эъзозлайди. Бунга ишончим комил. Чунки бу халқ азалдан ўзининг юксак ахлоқ-одоби, бой маънавияти, беқиёс иймон-эътиқоди билан ўрнак бўлиб келган халқ. Энди, азиз дўстлар, ана шу асрлар мобайнида тўплган қадриятларимизни янада бойитиб, бутун куч-қувватимизни, тажрибамизни миллат ва мамлакат равнақига сафарбар этайлик.

Ана шунга эришсак, вилоятнинг ҳам, мамлакатнинг ҳам, халқимизнинг ҳам келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир. Иншооллоҳ, яратганнинг ўзи бизнинг бу улуғ орзуларимизнинг амалга ошишига мададкор бўлгай.

Барчангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилайман.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг байроғи Туркиянинг Истамбул шаҳри узра ҳилпирай бошлади. Бунга яқинда республикамиз консулхонасининг бу ерда расмий равишда очилиш маросими сабаб бўлди. Тантанали йиғинда Ўзбекистоннинг Туркиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдуғофур Абдураҳмонов, Истамбулдаги Бош консулимиз Умарали Худойбердиев, Туркия жумҳурияти ҳукумати аъзолари, маҳаллий ҳокимият ҳамда қатор чет эл дипломатия корпуслари вакиллари иштирок этдилар.

● ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси таклифига биноан Малайзия Фанлар академиясининг президенти, профессор Тан Сри Ҳожи Умар бошчилигидаги мазкур давлат олимлари делегацияси мамлакатимизда бир ҳафта меҳмон бўлди. Ташриф чоғида икки мамлакат академиялари ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, шунингдек, фан ва юқори технологиялар бўйича Малайзия давлат гуруҳи билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги меморандум имзоланди.

● ПОЙТАХТИМИЗДА Оврупо Иттифоқининг махсус дастури доирасида Ўзбекистон Алоқа вазирлиги ва Тошкент алоқа олийгоҳи кўмагида Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази ташкил этилганлигига икки йил тўлди.

● ТОШКЕНТ Шарқшунослик институтида мисрлик олим, ватандошимиз Насруллоҳ Мубошир ат-Термизий билан учрашув бўлди. У узоқ йиллар олиб борган тарихий, адабий изланишлари, Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, ўтмиш даврдаги манбалар ва қўлланмалар асосида махсус каталог тайёрлаганлиги учун Шарқшунослик институтининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлди.

● РЕСПУБЛИКАМИЗ қўғирчоқ театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Покистонда ўтказилган учинчи халқаро театр анжуманида иштирок этди. Ўзбекистон вакиллари бу ерда инглиз тилида «Чодир Жамол» спектаклини намойиш қилдилар. Айни пайтда артистларимиз меҳмонларга миллий қўшиқ ва рақслардан иборат катта томоша ҳам кўрсатдилар.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ИРОҚ шимолида қуролли кураш олиб бораётган Курдистон ватанпарварлик иттифоқи ҳамда Курдистон демократик партияси раҳбарлари алал-оқибат ярашишга қарор қилдилар. Туркиянинг Анқара шаҳрида тузилган сулҳ битимига КВИ раҳбари Жамол Талабоний ва КДП раиси Масъуд Барзоний имзо чекдилар.

● БОЛГАРИЯДА бўлган президентлик сайловларининг иккинчи босқичида ўнг марказ мухолифатчилар номзоди Петр Стоянов 61,9 фоиз овоз олиб, ғалаба қозонди.

● ПОКИСТОН президенти Фаррух Аҳмаджон Легхарий ўз фармони билан бош вазир Беназир Бхуттони лавозимидан четлаштирди. У коррупция ва ноқонуний ҳатти-ҳаракатларда айбланмоқда. Унинг ўрнига муваққат бош вазир этиб 80 ёшли Мирож Холид тайинланди. Шу орада келгуси йилнинг 3 февралида Покистон парламентига сайловлар ўтказилиши ҳақидаги хабар эълон қилинди.

● ТОЖИКИСТОННИНГ қуролли мухолифатчилари Хабуробод довони томон тезкор силжимоқдалар. Мазкур баландлик орқали Душанбе — Бадахшон бош автотранспорт йўли ўтади. Жангарилар бу йўлни қўлга киритсалар, мамлакат пойтахти шимолий минтақалардан бутунлай узилиб қолиши мумкин. Ўзаро қуролли тўқнашувлар оқибатида жангарилар Тавилдара ҳудудидаги Қалъаихусайн ва Сағирдашт аҳоли масканларини босиб олдилар. Ҳукумат қўшинларига сезиларли зарар етказилди.

ИШОНАМИЗ, ҲАММАСИ ЯХШИ БЎЛАДИ!

ДУШАНБА куни РФ президенти Б. Н. Ельциннинг жисмоний ҳолатини текшириш жараёнлари ниҳоясига етмоқда, тахминларга қараганда президент юраги ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида операция қилиниши мумкин, деган хабар тарқатилди. Сешанба куни эса дафъатан Россия оммавий ахборот воситалари кишиларни сергаклантирувчи бошқа бир хабарни эълон қилди: «Бугун Россия Федерацияси президенти Борис Николаевич Ельцин операция қилинди».

Шу тариқа воқеалар тезлашди. Кўринишдан, хастанинг руҳий ҳамда жисмоний ҳолати шундай иш кўришни тақозо этган бўлса, ажаб эмас.

Хабарларга қараганда, Б. Н. Ельцин операция олдидан ватандошларига мурожаат қилиб, қўллаб-қувватлаб турганликлари учун улардан миннатдор эканлигини яширмади. У Россиянинг порлоқ келажагига комил ишонч билдирди. Марказий кардиологик шифохонасига келтирилганда ҳам президент ўзини жуда эркин ва бемалол тутди. У, ҳатто, жарроҳларга ҳазил-мутоиба қилиб «Пичоқларни тайёрлаб турибсизларми?» деди.

Операция Рублевск шоҳйўлидаги марказий шифохонада, илк саҳар соат 7 да бошланди. Сардор — профессор Ринат Сулаймонович Акчурин бўлди. Россиялик 12 нафар жарроҳ, Америка ҳамда Олмониядан келган 4 нафар уларнинг ҳамкасблари биргаликда ишга киришдилар.

Операция роппа-роса етти соат давом этиб, кундузги соат 14 да тугалланди. Шу орада мамлакат ҳукумати раиси В. С. Черномирдин ўз аъёнлари билан биргаликда касалхонага ташриф буюрди. Президентнинг умумий аҳволидан кўнгли тинчигач, яна ўз қароргоҳига йўл олди. Чунки, у давлат бошлиғи наркоз остида ётганда президентлик ваколатларини ижро этишга киришган эди. Ҳатто, ўта махфий ҳисобланган ядровий жомадон нуқтаси ҳам унга ишониб топширилган эди.

Операция сўнгида барча жарроҳлар гуруҳи енгил нафас олдилар. Академик Е. Чазов «Ишонамиз, ҳаммаси яхши бўлади» деб атрофдагиларнинг кўнглига таскин берди. Америкадан келган машҳур кардиолог жарроҳ Дебейки, олмониялик Валерс Хагерихлар ҳам бу яхши ниятга шерик бўлдилар.

Россия президенти устида операция ўтказилганлиги ҳақида хабар бир зумдаёқ дунёнинг турли бурчакларига етиб борди. Шифохонага АҚШ, Франция, Болгария, Англия ва бошқа давлатлар бошлиқлари ва ҳукуматлари раҳбарларидан телеграммалар кела бошлади. Уларда Россия президентига куч-қувват ва мадад истаклари билдирилган эди.

...Кечқурун олтида президент кўзини очди. Эндиги аҳвол турли-туман ўтказиладиган муолажалар мажмуасига боғлиқ бўлади. Кўпчиликнинг айтишига қараганда, президент тез орада ишга қайтади.

ТАҲМИНЛАР ТЎҒРИ ЧИҚДИ

ПРЕЗИДЕНТЛИК курсисининг ишқибозлари кўп бўлади. Америка Қўшма Штатларида бу юқори лавозимга сайловлар бўлишига тараддуд кўрила бошлаганига бир йилдан ошди. Оралиқдаги «пойга»да ўз номзодига ишонган, манаман деб ўйлаган қанчадан-қанча кишилар «қоқилиб» қолишди. Ниҳоят, марраға икки номзод — демократик партия вакили Билл Клинтон ва республикачиларнинг «ишонган кишиси» Роберт Доул етиб келдилар.

5 ноябрь куни АҚШ халқи ўзининг навбатдаги президентини сайлашга киришди. Бу тадбирдан бир неча кун аввал орадаги узилиш анча-мунча «масофа»ни ташкил этиб турди. Б. Клинтон учун тахминан 53 фоиз, Р. Доул учун эса 35 фоиз овоз берилади, деган гаплар тарқалди.

«Вашингтон пост» газетасининг шарҳчиси Дэвид Бродер азалдан Б. Клинтон тарафдори эди. У ўзининг ҳамма чиқишларида ҳозирги президент, шубҳасиз, ғалаба қозонади, деб ишонч билдирди. Унинг рақиби тўғрисида эса «Доул ҳеч қачон президентлик фазилатларига эга бўлолмайди» деб ёзди. «Скриппс — Ховард Ньюс Сервис» ахборот маҳкамасининг шарҳчиси Жей Эмброуз эса илгари Р. Доулни ёқлаб келганлигига қарамай, охирги кунларда Б. Клинтонни мақташга тушди. Америка оммавий ахборот воситаларида юқоридаги каби чиқишлар кўп бўлди. Уларнинг ҳаммасида нимагадир Б. Клинтон яна иккинчи муддатга президент бўлиб қолади, деб умид билдирилди.

Шамол бўлмаса, терак қимирламас экан. Чиндан ҳам чоршанба куни кечга бориб, дастлабки натижалар маълум бўлди. Б. Клинтон учун 48 фоиз, Р. Доул учун эса 43 фоиз овоз берилганлиги эълон қилинди. Шундай қилиб, Билл Клинтон АҚШнинг навбатдаги президенти этиб сайланди. Р. Доул уни ғалаба билан табриклади.

НИМА?

● ПАРИЖДА чиқадиган «Экспресс» ойномасининг навбатдаги сони катта шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, унда чоп этилган Франциянинг собиқ мудофа вазири Шарль Эрнью ҳаёти ва фаолиятига таалluқли мақолада у жосусликда айбланган эди. Ҳикоя қилинишича, Ш. Эрнью 1953 йилдан то 1985 йилгача Шарқий Оврупо мамлакатлари ҳамда СССР махфий маҳкамаларига хизмат қилган эмиш. У, аввало, Болгария, кейинчалик Румыния разведкаси томонидан ёлланган. 1961 йилдан эса КГБга «ишлаган». Лекин, 1990 йил январида вафот этган собиқ вазирнинг набираси Патрис ойномадаги маълумотларни «ғирт уйдирма» деб баҳолади.

ҚАЧОН?


● ҲИНДИСТОННИНГ Миднапур минтақасида ғалати воқеа содир бўлди. Тоғдан тушиб келган филлар дафъатан қўлбола ароқ тайёрлайдиган хонадонларга ҳужум қилиб, уларни ер билан яксон этди.

● ЕР КУРРАСИНИНГ 33тага яқин «оловли нуқталарида»да айни пайтда 110 мингдан зиёд 18 ёшгача бўлган аскарлар ва жангарилар иштирок этмоқдалар. «Болаларни қутқаринг» деб аталувчи халқаро ташкилотнинг тарқатган маърузасида ана шундай маълумотлар келтирилди.

ҚАЕРДА?

● ЖАНУБИЙ Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳрида ҳокимлар сайлови бўлиб ўтди. Унда Тамилнаду штати бош вазирининг ўғли — М. К. Сталин ўз рақибларидан анча ўзиб кетиб, ҳокимлик лавозимини эгаллади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



Ишлашни ҳоҳлайсизми, марҳамат!

Йигирма ёшдан қирқ ёшгача бўлган Тошкент вилояти фуқаролари икки йилга шартнома асосида Жанубий Кореяга ишга таклиф қилинади. Йигитлар ҳарбий хизматни ўтаган бўлишлари шарт. Бошқа зарур маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Бизнинг телефонлар:

Ангрен шаҳри 2-24-40 2-21-99
Олмалиқ шаҳри 4-28-59
Оҳангарон шаҳри 5-31-77 5-42-56
Оққўрғон тумани 2-11-88 2-14-81
Бўка тумани 3-53-63 3-75-69
Оҳангарон тумани 5-16-70 5-69-74
Қуйичирчиқ тумани 7-23-91 7-37-48
Пискент тумани 5-26-94 5-17-82
Ўртачирчиқ тумани 2-16-83 2-13-83
Юқоричирчиқ тумани 3-19-01 3-19-85
Бекобод шаҳри 2-49-95 2-33-77
Янгийўл шаҳри 7-64-38 7-22-30
Янгиобод шаҳри 4-09-37 4-04-57
Чирчиқ шаҳри 5-32-30 6-21-97
Бекобод тумани 5-21-87 5-10-31
Бўстонлиқ тумани 2-15-13 2-24-31
Қибрай тумани 6-34-47 6-12-82
Паркент тумани 2-21-68 2-13-96
Тошкент тумани 5-67-30 5-67-38
Чиноз тумани 3-10-73 3-31-08
Зангиота тумани 5-81-36 5-83-24
Янгийўл тумани 7-21-95 7-32-64

Тошкент вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси

Эртага — милиция ходимлари куни

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — КАТТА ШАРАФ

ҲАР КУНИ турли маҳкамаларда, идораларда, кўча-кўйда ва бошқа жойларда махсус кийимда юрган барваста йигитларни учратамиз. Халқимиз уларни битта ном билан «Милиция» деб атайди. Ҳа, халқ ўз посбонлари бўлмиш ички ишлар ходимларига алоҳида ишонч назари билан қарайди. Бундай ишончга сазовор бўлиш эса осон иш эмас. Зотан, бундай хизматда бўлган ходимлар халққа хизмат қилишни ўзларининг олий бурчлари деб биладилар.

Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек, «Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир». Озод Ватаннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга бутун куч-қувватини сарфламоқ, конституциявий тартибни, фуқаролар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг кундалик вазифасидир.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги О. Х. ЖАЛИЛОВ билан қилган суҳбатимиз юқоридаги мавзулар доирасида бўлди.



— Олимжон Холматович, эртага милиция ходимлари куни яъни сизларнинг байрамингиз. Бу кунни вилоятимизнинг осойишталик посбонлари қандай кутиб олишмоқда?

— Маълумки, яқинда республикамизнинг мустақилликка эришганлиги беш йиллиги, улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Бизнинг байрамимиз ҳам ана шу муборак кунларга уланяпти. Жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, мустақиллик шарофати билан юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар қалбларимизни тўлқинлантиради. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, оғир кунлар ортда қолди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, ўзига хос ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз олдида биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган қатор вазифалар турипти. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни изчил рўёбга чиқариш қонун устиворлигини таъминлашни тақозо этади. Буни қалбдан ҳис этган ходимларимиз шу йилнинг ўтган ойларида жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашни сезиларли равишда кучайтирдилар. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайганлигини кўрамиз. Жумладан, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар 4,5 фоизга, жамоат жойларида содир этиладиган қонунбузарликлар 11,1 фоизга, балоғат ёшига етмаганлар томонидан содир этиладиган хунук воқеалар 7,4 фоизга камайди. Бундай ютуқларга қарамай, бундан буён ҳам ҳуқуқбузарликлар содир бўлишининг олдини олишга бутун куч ва имкониятларимизни қаратмоқдамиз. Зеро, мақсадимиз вилоят ҳудудида эл-юрт осойишталигини кеча ва кундуз таъминлашдир.

— Милиция сўзи кенг маънога эга. Ички ишлар ходимининг маънавий қиёфасини қандай тасаввур қиласиз?

— Ички ишлар ходими жисмонан чиниққан, мустаҳкам иймон-эътиқодли, маънавий жиҳатдан баркамол бўлгандагина ўзининг хизмат вазифаларини сидқидилдан адо эта олади. У халқ хизматида бўлишни юксак шараф деб билиши лозим. Шу маънода яқинда эълон қилинган Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ички гўзалликсиз ташқи камолот бўлмайди. Бошқармамиз раҳбарияти томонидан ходимлар маънавиятини ошириш маъносида ҳар ҳафтанинг душанба куни «Маърифат дарслари» ташкил этилаётганлиги яхши натижалар бермоқда. Мазкур сабоқларда маънавият ва маърифатга тааллуқли қатор муаммолар мажмуи таҳлил қилинмоқда. Таниқли давлат арбоблари, сиёсий шарҳловчилар, ёзувчи ҳамда олимлар билан ўтказилаётган мулоқотлар ҳаммага маъқул бўлмоқда.

Кичкина бир мисол. Шу йил апрель ойларида Тошкент вилоятининг Қибрай туманидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналида бир воқеа содир бўлди. Мотоциклда сувга тушиб кетган беш фарзанднинг отаси Б. Қосимов ҳаёти сақлаб қолинди. Қўриқлаш бошқармасининг ходими, милиция майори Саидсултон Юсупов ўзини иккиланмай шаршарага ташлаб, тўлқинлар билан бўлган оғир олишувда чўкаётган инсонни соҳилга олиб чиқди. Бу ходим ана шу ва бошқа жасурликлари учун республика Президентининг фармони билан «Жасорат» медалига сазовор бўлди. Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳар бири юқоридаги довюрак йигитга ўхшашликларини хоҳлардик.

— Жамият борки, қусриётлар ҳам бўлади. Республикамизда умумий ижобий барқарорликка қарамай вилоятимизда қонунбузарликлар, жиноятчилик ҳолатлари содир бўлмоқда. Уларнинг олдини олиш хусусида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Осойишталик посбонлари томонидан вилоят ҳудудларида жиноят содир этилишининг олдини олиш учун қатор режали тадбирлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда «Мажмуа», «Ҳашар», «Тун», «Турмуш», «Тўсиқ» тадбирларининг ўтказилиши вилоятдаги аҳволни барқарор ушлаб туришга ёрдам берди.

Биргина «Турмуш» тадбирини олиб кўрайлик. Унинг давомида оилалардаги ҳуқуқбузарликларга даҳлдор бўлган 24 мингдан ортиқ шахс билан суҳбат ўтказилди. Оқибатда оила ва рўзғорларда учрайдиган оғир жиноятлар сонини 14 фоизга камайтиришга эришдик. Шу билан бирга текширувлар натижасида қонун-қоидаларга зид равишда сақлаб келинаётган мингга яқин турли хил ўқ отар қуроллари топиб олинди. Жамоат жойида тартибни бузган 5622 нафар, майда безорилик қилган 898, паспорт қоидасини бузган 10 минг 461 шахсга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Рўйхатдан ўтиш қоидасига риоя этмаган 985 киши республикамиз ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилди.

— Қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, ўзгалар мулкини ўғирлаш кабилар оғир жиноятлар сирасига киради. Улар вақтида очилмоқдами?

— Бундай жиноятларга инсоний қиёфасини йўқотиб қўйган шахслargина қўл урадилар. Баъзан улар шундай фожиали жиноятларни қиладиларки, кўрганнинг қалби жумбушга келади...

Бекобод туманида жойлашган шаҳар ахлатхонасида уч-тўрт ўспирин тутган балиқларини олиб кетиш учун целофан халта қидирадилар. Бироздан сўнг ана шундай халтани топишади, унинг ичидаги нарсани фориғ этишмоқчи бўлганда, халтадан инсон калласи юмалаб тушади...

Нохуш хабардан сўнг барча мавжуд кучлар ушбу қотилликни очишга қаратилди. Бошқармамизнинг тажрибали ходимлари маҳаллий ҳамкасблари билан биргаликда тиним билмадилар. Ниҳоят, халтадан тушган бош Бекобод шаҳридаги 13-кичик ҳудудда истиқомат қилувчи Ф. Аширматовага тегишли эканлиги аниқланди. Охир-оқибат қотил Ж. Оқжигитов қўлга олинди. Тергов давомида у жасаднинг қолган аъзоларини ўз уйи ертўласига кўмиб қўйганлигини айтиб берди. Ушбу иш яқинда Тошкент вилоят судида кўриб чиқилди, қотилга олий жазо берилди.

Фурсатдан фойдаланиб таъкидламоқчиманки, юқоридаги каби жиноятлар кўп ҳолларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш натижасида содир бўлади. Шу йилнинг 16 октябрь куни муқаддам судланган В. Пакалов, С. Каримқулов ва С. Сагатовлар танишлари Е. Череменкова уйида маишатбозлик қилишади. Натижада, жанжал чиқиб, В. Пакалов С. Сагатовни бурама омбир билан уриб ўлдиради. Разилликни қарангки, В. Пакалов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мурда устидаги кийимларни ҳамда узугини ечиб олади. Қотиллар жиноят изларини яшириш мақсадида мурдани Қорасув каналига ташлаб юборадилар. Бу жиноят ҳам Зангиота тумани прокуратураси катта терговчиси О. Тожибоев, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори М. Ҳакимов, Ўртаовулдаги таянч нуқтаси бошлиғи, милиция майори М. Абдазов, ИИБ жиноят қидирув бошқармаси катта тезкор вакиллари, капитанлар А. Холмирзаев, У. Бекжонов, А. Файзиевлар томонидан тезда фош этилди. Жиноятга жазо муқаррар. Нопок йўл танлаган шахслар, албатта, ўз қилмишларига яраша жазо олдилар.

— Гапингиз тўғри. Гиёҳвандлик оқибатида ҳам қанчадан-қанча жиноятлар содир этилмоқда...

— Худди шундай. Гиёҳвандлик билан шуғулланаётганларни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдагилар бундай моддалар манбаини экадилар, ўстирадилар, қайта ишлаб, уларни тарқатадилар. Иккинчи гуруҳдагилар эса бундай оғуни пуллаш эвазига мўмай даромад орттирадилар. Шу тариқа юқоридагилар ўзларининг ғайриқонуний кирдикорлари билан ёш авлод саломатлиги ва баркамоллигига, жамият маънавиятига катта зарар етказадилар.

Биз оғуфурушлик иллатларини илдизи билан йўқотиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаётирмиз. Шу кунга қадар 824 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар аниқланди. 10 минг 389 квадрат метр ерга экилган кўкнори ҳамда 31 гектардан ортиқ майдондаги ёввойи наша ўсимликлари ғарот қилинди. Айни кунларда 250 га яқин ажалфурушлар ўз қилмишлари учун жавоб бермоқдалар.

— Жуғрофий жиҳатдан Тошкент вилояти бошқа республикалар билан чегарадош. Ўзбекистондан товар-моддий бойликларни ташқарига олиб чиқиб кетиш қандай назорат қилинмоқда?

— Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг кўрсатмасига биноан бундай ишларнинг пайи қирқилмоқда. Ўтган даврда ташқарига олиб чиқиб кетилмоқчи бўлинган 500 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 1,5 миллион сўмликка яқин чой, 312 минг сўмлик хўжалик совуни, 518 минг сўмлик турли хил конфетлар, 300 минг сўмлик маргарин, 2 миллион сўмликка яқин печенье ва бошқа маҳсулотлар ушлаб қолинди ва ички бозорда сотиш учун қайтарилди.

— Яна қандай истакларингиз бор?

— Бошқармамизнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқасининг тиғиз ва узлуксиз бўлишини истардим. Ички ишлар идоралари ходимларининг амалга ошираётган ишлари туман, шаҳар, вилоят ва республика газеталарида мунтазам ёритиб борилиши катта наф келтиради, деб ўйлайман. Чунки, оммавий ахборот воситаларида ёритилган ҳар бир хабар ёхуд ҳар бир мақола охир-оқибат жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Бизнинг хизматимиз ҳам масъулиятли, ҳам қалтис. Шу боис эл-юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ходимимизнинг ҳар куни ўз хонадонига, ота-онаси, оиласи, фарзандлари оғушига соғ-саломат қайтишини истайман. Турли-туман жиноятларга қарши курашда уларга омад ёр бўлаверсин. Касб байрамимиз кунида барча ходимларимизни чин қалбдан муборакбод этаман, уларга узоқ умр, оилавий бахт-саодат, мустақил Ўзбекистонимизда қонун устиворлигини таъминлаш йўлидаги сермашаққат, аммо, шарафли меҳнатларида муваффақиятлар тилайман!

— Айтганларингиз ижобат бўлсин. «Тошкент ҳақиқати» жамоаси ҳам сиз айтган тилакларга бажонидил қўшилади. Биз ҳам ўз навбатимизда барча милиция ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан қутлаймиз, қийин айни пайтда, шарафли хизматларингиз ҳамиша-ҳамрўз юксак савияларга кўтарилаверсин. Қаторларингизда хато бўлмасин. Яратганнинг ўзи туну-кун паноҳида асрасин!

— Раҳмат, катта раҳмат!..

СУҲБАТДОШЛАР:
Раҳимберди УМАРОВ
ва Рустам ЁДГОРОВ.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 11

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00--8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Лирик тароналар. 9.00 Футбол шарҳи. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». 10.25 «Нафосат шайдолари». Кинодастур. 11.00 Ҳ. Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар ороли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 11.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 12.20 «Тилла тиш». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эркатой». 18.30 «Мозийдан садо». 18.45 Дилнавоз садолар. 19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Мусиқий хазина. «Феруз». 21.50 «Вақт». Публицистик кўрсатув. 22.10 «Бу оқшом...» 22.40 «Морена Клара». Телесериал. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 -- 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.35 «Палитра». 19.05 «Услуб». Мода янгиликлари. 19.20 «Клип-антракт». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Камертон». Оҳанглар. 20.10 «Автосалон». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Камертон». Шеърият. 21.10 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур. 21.40 «Курьер». 22.00 «Прайм-тайм». 22.10 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.55 «Спорт қитъаси». 23.35 -- 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Зигфрид ва Рой афсунгарлиги». Дам олиш дастури. 19.00 «Қишлоқда байрам». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
19.10 -- 21.35

*

21.35 Эълонлар. 21.40 «Янги қурбон». Телесериал. 22.30 «Хотирамиздаги шаршара». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.40 -- 23.15

*

23.15 Эълонлар. 23.20 -- 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси. 18.50 «Мультикарусель». 19.05 Эълонлар. 19.10 «Умид». 19.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 19.50 «Авторейд». 20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ. 20.20 Эълонлар. 20.25 «Мафтунингман». Бадиий фильм. 21.55 «Спорт-тайм». 22.25 «Куйла, Санобар». Мусиқий кўрсатув. 22.45 «Шлягер». 23.00 Эълонлар. 23.05 «5+1». 23.35 -- 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00--8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Ипак йўли. Нурота». 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Инглиз тили. 11.00 Она тили. 11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 Дутор ва танбур тароналари. 12.30 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.05 -- 14.25 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Умид учқунлари». 18.30 Юртим жамоли. 18.40 «Пахтакор» қалдирғочи». Акмал Азизхўжаев. 19.00 «Юксалиш». Публицистик кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Дурдона». 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Оҳанглардан таралган меҳр. 21.40 «Ўргимчак тўри». Телесериал. 22.20 «Альманах-ТВ». 22.55 «Замон». 23.05 «Мусиқий саёҳат». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20--00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Тропиканка сири». Телесериал. 19.05 «Мультфейерверк». 19.15 «Олтин кент». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Постфактум». 20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «АРТ-журнал». 21.15 «Дойче Велле» намойиш этади. 21.30 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.10 «Кинонигоҳ». 23.50--00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Келгиндилар». Илмий-оммабоп кўрсатув. 19.00 «Билдирсой». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 -- 9.00 «Телетонг».

***

19.10 -- 21.35

*

21.35 Эълонлар. 21.40 «Янги қурбон». Телесериал. 22.30 «Олга, Аргамак». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.40 -- 23.10

*

23.10 Эълонлар. 23.15 -- 23.20 Янгиликлар.

IV

17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Эълонлар. 19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». 19.20 Шифокор билан мулоқот. 19.50 Эълонлар. 19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.45 «Янги иқтисод». 21.15 «Озодлик номидан». Америка тарихи. 21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар». 22.00 «ТВ IV да «Немис тўлқини». 22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.00 «Жилет-спорт». 23.30 Эълонлар. 23.35 -- 23.45 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00--8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова ва Хурсаной Қодирова. 8.55 «Дурдона». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Изланишлар самараси»

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Табиёт. 11.00 Янги алифбони ўрганамиз. 11.30 «Ассалом, япон тили!».

*

12.10 «Ўсмир ва қонун». 12.30 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.05 -- 14.40 «Альманах-ТВ».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чамандаги гулларимиз». 18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...». 18.30 «Замон билан ҳамнафас». 18.45 «Рангин дунё». 19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамблларнинг телевизион фестивали. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 21.20 «Менинг ҳам ўз созим бор...» 21.45 «Ўзбекенгилсаноат» тақдим этади... 21.50 «Автоолам». 22.00 «Талқин. ХХ аср». 22.25 «Морена Клара». Телесериал. 23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Бокс. Сидней Львович Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир. Ярим финал. 00.40 Тунги тароналар. 00.55--01.05 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.35 «Табиат дунёси». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Дунё бўйлаб...» 20.10 «Компьютер-Осиё». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Дойче Велле» намойиш этади. 21.30 «Дриблинг». 21.55 «Юлдузли механика». 22.35 «Спорт қитъаси». 23.10 Оҳанглар ва Эълонлар. 23.40 -- 00.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Марк Твен қарши». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 -- 9.00 «Телетонг».

***

19.10 -- 21.35

*

21.35 Эълонлар. 21.40 «Янги қурбон». Телесериал. 22.30 «Гўзал ўлка». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.50 -- 23.25

*

23.25 «Шоҳсупа сари йўл». 24.00 -- 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак». 18.50 «Мультикарусель». 19.05 «Ирендэк» 19.35 «Ер шари». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Кафолат». 20.30 «ТВ IV канали эксклюзиви». 21.00 «Тошкент оқшомида». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Мезон». 22.00 «Гулдаста». 22.20 Эълонлар. 22.25 «Тошкентнома». 22.55 «Қалб тароналари». Мусиқий дастур. 23.25 «Бу ажиб дунё». 23.45 -- 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00--8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамблларнинг телевизион фестивали. 8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Гроссмейстер Сайдали Йўлдошев.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари. 11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.30 Кимё.

*

12.00 «Кичкинтой» устахонаси. 12.30 «Буни умр дерлар». Телеочерк. 12.45 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.05 -- 14.35 Мумтоз ашулалар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Катта танаффус». 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 «Кўзгудаги акс». 19.05 «Акциядор луғати». 19.20 Дилнавоз садолар. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Юзма-юз». Мулоқот. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Диққат, премьера: «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм. 21.50 Дилнавоз садолар. 22.00 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари. 22.15 «Одобнома». 22.25 Бокс. Сидней Львович Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир. Финал. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Икки дил достони». Бадиий фильм. 01.30 Тунги тароналар. 01.40 -- 01.50 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк». 9.20 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур. 9.50 «Курьер». 10.20 «Прайм-тайм». 10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 10.50 «АРТ-журнал». 11.05 «Табиат дунёси». 11.55 «Компьютер-Осиё». 12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 12.30 -- 14.10 Видео -- «О».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.25 «Тропиканка сири». Телесериал. 19.15 «Сизнинг имконият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 20.15 «Дармон». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Видеогид». 21.25 «Бизнес-уик». 21.40 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар. 22.20 «Кинонигоҳ». 24.00 -- 00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар. 17.50 Эълонлар. 17.55 «Олимпиада оҳанглари». Спорт дастури. 18.20 «Илҳом». Телефильм. 18.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 -- 9.00 «Телетонг».

* * *

19.10 -- 21.35

*

21.35 Эълонлар. 21.40 «Янги қурбон». Телесериал. 22.30 «Зотли отлар». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.45 -- 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 -- 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Эълонлар. 19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 19.35 Эълонлар. 19.40 «Онагинам». 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Интер-спорт». 21.10 «02» тўлқинида». 21.25 «Каталог». 21.40 «Эколот-коктейль». 22.10 «Эллада». 22.40 «Компьютер-ревю». 23.05 Телефильм (Япония). 23.35 23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 -- 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот. 8.45 Пойтахт концерт залларида. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Фермер». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 География. 11.00 Немис тили. 11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм. 12.30 «Алломиш авлодлари». 13.05 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров. 14.00 Янгиликлар. 14.05 -- 14.35 «Маърифат масканн».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Митти юлдузлар». 18.30 «Мутолаа». 18.50 «Бизнес ҳафта якунлари». 19.00 «Аудитория». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Эртага -- шанба. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Диққат, премьера: «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм. 21.50 Дилнавоз садолар. 22.00 «Ривоят». 22.10 «Морена Клара». Телесериал. 23.00 «Мафтункор чеҳралар». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15 -- 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти». 9.20 «Таманно». 9.30 Мулоҳаза учун мавзу. 9.50 Дилором наволар. 9.55 Видео янгиликлари. 10.10 Видео--«О». 11.50 -- 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан...» 18.35 «Кинохроника». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.15 «Мусиқий йўлка». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Сиздан ишорат». 21.40 «Ракурс». 22.00 Хит-парад ва Эълонлар. 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 23.50 -- 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 1-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 -- 9.00 «Телетонг».

* * *

19.15 -- 21.35

*

21.35 «Янги қурбон». Телесериал. 22.30 «Шарқ ёдгорликлари». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.55 -- 23.30

*

23.30 Эълонлар. 23.35 -- 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель». 19.00 «Дидар». 19.30 «Умид чечаклари». 20.00 Эълонлар. 20.05 «Билиб қўйган яхши». 20.30 «Мусиқий меҳмонхона». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Коинот». 21.35 «Уй остонадан бошланади». 22.05 Эълонлар. 22.10 «Бу бўстон аро». 22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 23.10 Араб эстрадаси. 23.40 -- 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 -- 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур. 9.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Паҳлавон Маҳмуд». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Талабалик йилларим». 11.10 «Хабарнома». 11.20 «Баҳс». 11.45 Мулоҳаза, мунозара, муносабат.

*

12.15 «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм. 12.45 «Шоҳруҳ» клуби. 13.15 Эстрада қўшиқлари. 13.45 -- 15.15 «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Совға». 18.20 «Олам». 18.35 «Мактуб». 18.50 Дилнавоз садолар. 19.10 «Хайрат». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.15 Дилнавоз садолар. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Диққат, премьера: «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат». 22.10 «Жаҳон киноси юлдузлари». 22.25 «Имкон чўққилари». 22.35 «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...» 9.20 «Кинохроника». 10.10 «Компьютер-Осиё». 10.30 «Мусиқий йўлка». 10.40 «Сиздан ишорат». 11.20 «Ракурс». 11.40 «Кинонигоҳ». 13.20 -- 14.20 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультдаста». 18.20 «Жозиба». 18.30 Эълонлар. 18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Дубляж». 20.05 «Жозиба». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон». 21.35 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.55 -- 23.35 Видео -- «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 17.10 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 -- 21.35

*

21.35 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 -- 22.35

*

22.35 Эълонлар. 22.40 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм. 00.20 -- 00.30 «Жонажон шаҳрим жамоли». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика». 9.15 Эълонлар. 9.20 «Шанба эртаги». 10.50 «Комедиантлар». 11.10 «Клип-антракт». 11.15 «Рақслар канотида». 11.45 «Клип-антракт». 11.50 Кинонинг олтин асри. «Интиқом куни». Бадиий фильм.

* * *

17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель». 19.00 «Шанба оқшомида». 19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.00 Эълонлар. 20.05 «Одам ва олам». 20.30 «Клип-антракт». 20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.40 «Салом, Франция!». 21.10 Эълонлар. 21.15 Кинонинг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-серия. 22.20 «Чинсэн». 22.50 «Спектаклдан сўнг...». 23.20 «Беш дақиқа ўзим учун». 23.25 «Хит-коллекция». 23.40 «Жилет-спорт». 00.10 «Бу ажиб дунё». 00.30 Эълонлар. 00.35 -- 00.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 -- 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури. 11.40 «Уйла! Изла! Топ!». Телемусобақа. 12.15 «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм. 12.55 «Ўзбекистон спорти». 13.15 «Болалигим -- пошшолигим». Видеоканал. 14.15 -- 14.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 16-қўй.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун концерт. 18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал. 19.00 «Келгуси ҳафтада». 19.15 «Соғинч». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама».(рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Бир ўлка-ки...». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Буюк келажак сари». 21.25 «Илҳом сатрлари». 21.30 «Мусиқа салтанати». 21.50 «Шахс ва баҳс». 22.15 Диққат, премьера М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 17-қўй. 22.55 Футбол олами. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ҳафтанома». 24.00 «Келгуси ҳафтада». 00.15 Тунги тароналар. 00.35 -- 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста». 9.40 «Жозиба». 9.30 «Дубляж». 9.45 «Жозиба». 10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон». 10.35 Видео -- «О». 12.15 -- 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида. 18.05 Эълонлар. 18.10 «Даракчи». 18.20 «Боланинг тили...». 18.30 «Мульти-пульти». 18.45 Таманно. 18.55 «Табиат шифохонаси». 19.05 Мулоҳаза учун мавзу. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 Видео янгиликлари. 20.20 Дилором наволар. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Мухлис». 21.25 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал. 22.05 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.45 Видео -- «О». 00.20 -- 00.25 Дастур ниҳояси.

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.40 -- 23.00

*

23.00 Эълонлар. 23.05 -- 23.30 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». 9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами». 11.20 «Клип-антракт». 11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 11.55 «Парле ву франса?». 12.25 «Жонли сайёра». 12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино. 13.25 «Оқ соя». 13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари. 14.25 Киносалон. «Уйинчоқ». Бадиий фильм. 15.45 «Биргалашиб куйлайлик». 16.30 «Лирик лаҳза». 16.35 Эълонлар. 16.40 «Сенинг вақтинг». 17.10 «Бола йўқолди». Қисқа метражли бадиий фильм. 17.40 «Мусиқий Олимп».

*

18.10 -- 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «ТВ IV да етти кун». 20.00 «Мультикарусель». 20.15 «Телеташриф». 20.30 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин». 21.00 «ТВ IV да етти кун». 21.15 «Клип-антракт». 21.25 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари. 21.55 Эълонлар. 22.00 «Голливуд-рок». Ёшлар учун мусиқий дастур. 22.30 Киносалон. Кевин Костнер «Қасос» фильмида. 00.20 -- 00.30 «Хайрли тун!».

ДАДИЛ ОДИМ

МАМЛАКАТИМИЗДА 5-ФУТБОЛ МАВСУМИ ЯКУНЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ «ДЎСТЛИК» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ БУ ЙИЛ ЎТГАН ЙИЛДАГИГА ҚАРАГАНДА ИККИ ПОҒОНА КЎТАРИЛИБ, ТЎРТИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ



КУЧЛИ ЖАМОАЛАР КЎПАЙСА... ФУТБОЛИМИЗ ЮТАДИ

Мамлакат биринчилиги якунлари ҳақида мулоҳазалар

Қайси мамлакатда чемпионлик учун камида тўрт-олти жамоа тенг рақобатлик қилса, ўша юртнинг футболи жаҳон миқёсида қоқилмайди. Рақобатлик кучайган жойда маҳорат, қобилият, истеъдод биринчи ўринга чиқади. Натижада терма жамоага даъвогарлар кўпаяди, энг иқтидорлиларини танлаб олиш мумкин бўлади.

Қаторасига тўрт йилдан бери «Нефтчи»га тараф топилмаётгани мени ажаблантирарди. Мана, ниҳоят, бу йил чемпион ўзгарди. Бутун мавсум давомида Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси пешқадамлик қилди. Собиқ мамлакат чемпиони «Нефтчи» ва МҲСК жамоалари ҳам «чемпионликка биз ҳам даъвогармиз» деб турдилар. Хуллас, бу йил ғолиблик учун асосан ана шу уч жамоа кураш олиб борди. Бу ҳол бирмунча бўлса-да, уч рақиб ўртасида кураш кучайишига олиб келди. Қани энди улар сафи ортса. Умид қиламизки, яқин орада «Пахтакор» ҳам, анча кучли жамоа ҳисобланган «Нурафшон» ҳам ана шу сафдан жой олади. Улар қаторида вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоасини ҳам кўришни истардик. Ҳар ҳолда «Дўстлик» бу йил бир текис ўйинлар кўрсата олди, футболчилар эса маҳоратларини ошириш устида изланаётганликларини исботладилар.

20 апрелда йўлга чиққан футбол баҳси 7 ноябрь ўз манзилига етиб келди. Ўйинғоҳларда мухлислар 240 та учрашувнинг гувоҳи бўлишди. Виктор Жалиловнинг шогирдлари «Навбаҳор» мавсум бошидаёқ чемпионлик учун астойдил бел боғлаганликларини намойиш эта олдилар. Улар мавсумнинг дастлабки учдан икки қисмини мағлубиятсиз ўтказишларининг ўзи катта шов-шувга сабаб бўлди. Мана, ниҳоят, маррага келиб, ғалвир сувдан қўтарилганда 30 та ўйиннинг атиги иккитасидагина ютқазган наманганликлар ҳужумкорликда тенги йўқ эканликларини исботлаб, ўз дарвозаларидан ҳам энг кам тўп ўтказиб юборган жамоа сифатида танилдилар. «Навбаҳор» мухлислари сони ҳам ўйинданўйинга орта борди. Наманганликларнинг «Янгиер» билан бўлган сўнгги тур олди учрашувини кўргани эса ўйинғоҳга 55 мингга яқин мухлис келди. Яқин ўртада ҳали бироргта ўйинғоҳга бунчалик кўп ишқибоз келмаган. Бу борада ҳам Наманганда ўзига хос рекорд ўрнатилди.

Бу йилги мавсумнинг яна ўзига хос томони шундаки, медаллар учун кураш сўнгги турларгача давом этди ва атиги биттадан ўйин қолганда совриндорлар узил-кесил маълум бўлди. Олий табақа билан хайрлашадиган иккинчи омадсиз жамоа эса якунловчи тур натижасига қараб қолди. Бу ҳар бир тўп, ҳар бир очко учун кураш охирги дақиқаларгача давом этганлигини англатади. Эътибор берган бўлсангиз, Урганчнинг «Динамо» ва Муборакнинг «Машъал» жамоаларининг қай бири олий табақани тарк этиши битта ўйинга боғлиқ бўлиб қолди. Ўзаро баҳсда омад «Машъал» жамоасига кулиб боқди. Улар кескин курашда «Нурафшон»ни 4:0 ҳисобида енгиб, Урганчнинг «Динамо» жамоасидан атиги бир очко ўзиб, кучлилар гуруҳида қола олди. Мана шу бир очко хоразмлик футболчиларни олий табақани тарк этишга мажбур қилди.

Энди эътиборингизга 1995 йил мавсуми натижаларига кўра дастлабки 1—6 ўринларни эгаллаган жамоаларнинг очколари, тўпларини ҳавола этамиз: Бу йилги якуний жадвалга назар ташлашдан олдин ўтган йилги олти кучли жамоанинг натижаларига қараб бу йилги кўрсаткичлари билан таққослаб кўрсангиз, қайси жамоалар олга босгани-ю, қай бирининг чекинганини билиб оласиз.

1995 йилги натижалар

Жамоалар	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
«Нефтчи»	24	4	2	86-32	76
МҲСК	23	5	2	70-19	74
«Навбаҳор»	23	3	4	72-23	72
«Пахтакор»	20	5	5	70-27	65
«Нурафшон»	13	1	16	39-56	40
«Политотдел»	11	6	13	39-51	39

Шундай қилиб, Урганчнинг «Динамо» ва Термизнинг АСК жамоалари олий табақа билан хайрлашдилар. Улар ўрнини «Зарафшон» ва «Чилонзор» жамоалари эгалласа керак. Негаки, бу икки жамоа биринчи табақада дадил марра сари интилмоқда. Учинчи бўлиб бораётган «Прогресс» пешқадамдан 15, иккинчи жамоадан 10 очко орқада қолмоқда. Мавсум охирлаб қолганда бунчалик катта фарқни бартараф этиш назарий жиҳатдан мумкину, бироқ, амалий адо этиш ниҳоятда мушкулдир.

Умуман, биринчи табақа ўйинлари ҳақида фикр юритар эканмиз, аксарият жамоаларнинг устозлари ва ўйинчилари мусобақа низоми ва тақвимидан норози эканликларини очиқ-ойдин айтишмоқда. Икки кун оралатиб майдонга тушиш, кун оралаб юз километрлаб йўл босиш натижасида машғулотлар учун вақт қолмаяпти. Ҳақиқатан ҳам биринчи гуруҳда 27 жамоани бирлаштириб, ўртоқлик ва кубок беллашувларидан ташқари 52 тадан расмий ўйин ўтказишга уриниш футболимизга нафдан кўра зарар келтириши табиий. Ўзбекистон Футбол федерацияси бу эътирозли талабларга қулоқ солиб, келаси мавсум биринчи табақа баҳсларини икки гуруҳда ўтказса мақсадга мувофиқ бўларди.

ЭРТАГА МҲСК ўйингоҳида Ўзбекистон Кубоги учун «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида финал ўйин бўлади. Ғолиб Осиё жамоалари Кубоги баҳсида Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

* * *

Футбол мухлисларини эса яна ҳаяжонли дақиқалар кутмоқда. Энди ҳамманинг нигоҳи Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё XI Кубоги беллашувларида бўлади. 3—20 декабрда Бирлашган Араб Амирликларида якунловчи беллашувлар ўтади. Яна уч кундан кейин эса Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлариги жўнаб кетади. Улар бу ерда тайёргарлик машқлари ўтказиш билан бирга чет эл жамоалари билан учта ўртоқлик учрашувини ҳам ўтказишни режалаштиргандар. Сўнгра Ватанларига қайтиб келиб, 29 ноябрда Наманганда клублар терма жамоаси билан куч синашишади. Бир кун ўтиб эса қитъа Кубоги беллашувларида қатнашиш учун сафарга отланишади.

СЎЗ — ЎЙИНЧИЛАРГА

Юрий ВИНТОВКИН, жамоа сардори:

— «ДЎСТЛИК»да 1991 йилдан бери ўйнайман. Лекин ҳеч бир мавсумда бу йилдагидек уюшган, ҳужумкор ўйин кўрсатмагандик. Тўрт рақамга эътибор беринг. Тўртинчи ўринни эгалладик. Кубок баҳсларида ҳам кучли тўрт жамоа сафидан ўрин олдик. Кўп тўп уришда ҳам («Нурафшон» билан) тўртинчи бўлдик. Эришилган ғалабалар сони жиҳатдан ҳам тўртинчимиз. Жамоа сардори сифатида ўзим ва дўстларим ўйинидан ҳам «тўрт» баҳога ўйнадик десам камтарликка йўйманг.

Жаъфар ИРИСМЕТОВ, ҳужумчи:

— ЎРГАН йил асосий таркибдан мустаҳкам жой олдим. Агарда 1995 йилда 16 та тўп киритган бўлсам, бу йил 23 та тўп муаллифи бўлдим. Бунга, албатта, жамоадошларим кўмагида, қўллаб-қувватлашлари туфайли эришдим. Мавсум бошларида олган оғир жароҳатим тўла куч билан ўйнашга ҳалал берди. Келаси йил янада яхшироқ ўйин кўрсатаман деб ваъда бераман.

Соиб АҲМЕДОВ, ҳимоячи:

— КАТТА футболда илк сабоқни Исоқ Тошмуҳамедовдан олганман. Аввалига «Чилонзор» жамоасида ўйнадим. Бу йил эса «Дўстлик»нинг деярли барча расмий ўйинларида қатнашдим. Мен, мухлислар эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Биз ҳимоячилар бутун тўқсон минут давомида ҳужумчиларнинг неча ўнлаб уришларини бартараф этамиз. Ўзаро курашда ўн марта ғолиб келиб, битта хатога йўл қўйсанг, яъни рақиб ҳужумчилари ниятларига эришса қилган барча тоатибодатинг бирпул бўлади. Биз ҳимоячилар янглишишга ҳаққимиз йўқ.

Жамоалар қуйидагича жойлашдилар:

ЖАМОАЛАР	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
1. «Навбаҳор»	**23**	**5**	**2**	**88-23**	**74**
2. «Нефтчи»	**23**	**3**	**4**	**72-30**	**72**
3. «МҲСК»	**18**	**8**	**4**	**80-41**	**62**
4. «Дўстлик»	17	4	9	52-38	55
5. «Нурафшон»	15	5	10	52-39	50
6. «Пахтакор»	15	3	12	50-30	48
7. «Трактор»	12	7	11	46-43	43
8. «Наврўз»	11	8	11	44-51	41
9. «Атласчи»	11	3	16	48-62	36
10. «Динамо»(С)	11	1	18	36-46	34
11. «Янгиер»	10	3	17	43-55	33
12. «Сўғдиёна»	9	5	16	42-58	32
13. «Косонсой»	9	3	18	32-61	30
14. «Машъал»	8	4	18	28-64	28
15. «Динамо»(У)	**8**	**3**	**19**	**36-67**	**27**
16. АСК	**4**	**7**	**19**	**29-70**	**19**

ЖОНУ-ДИЛИМ

Жўра ХОНАЗАРОВ, меҳнат фахрийси

Бу спортнинг шайдоси бўлиб қолганимга олтмиш йилдан ошди. Ҳамон ўйинғоҳларга бориб, учрашувларни томоша қиламан.

Қандай лавозимларда ишлаган бўлмайин, футболга бўлган меҳрим ортса ортдики, сусаймади. Аксинча, ўйинғоҳлар қуриш, жамоалар ташкил этиш, ёшларни футболга жалб этишга озми-кўпми ҳисса қўшдим. Ўзбекистон Футбол федерациясига бошчилик қилдим, собиқ «Пахтакор» билан юртлар кездим, ҳамиша ҳалол курашни ёқладим.

Футбол ўзида қатор спорт турларини жамлаганлиги учун ҳам севимлидир. Футболчи шохмотчидек фикрлай олиши, енгил атлетикачидай югуриши, акробатчидай сакраши лозим. Ҳар кимнинг севимли жамоаси бўлади. Мен эса «Пахтакор» сингари «Дўстлик»ни ҳам мухлисиман. Унинг бу йилги ўйинларидан, ўсишидан хурсандман.

Бу йил чемпион ўзгарди. Бу яхшими, ёмонми? Менимча, яхши. «Нефтчи» келаси йил мавқеини тиклашга, «Навбаҳор» эса сақлашга ҳаракат қилади. Демак, чемпионлик учун кураш кучаяди. МҲСК ҳам четда турмайди. Бу рақобатчилик эса сўзсиз футболимизга ижобий таъсир этади.

Кези келганда оммавий ахборот воситалари ходимларига «кичкина» эътирозимни айтмоқчийдим. Бугун бўлиб ўтган учрашувлар натижалари уч кундан сўнг босилиши кимга ҳам керак? Аксарият учрашувлар натижалари соат 18 — 18.30 да маълум бўлади. Нега аҳир ана шу учрашувлар натижалари кечқурун «Ахброт» кўрсатувида хабар қилинмайди?! Ёки газеталарни олинг. Бугун бўлиб ўтган учрашувлар натижасини эртасига ўқий олмаймиз? Яна бир фикр. Айрим ўйинларни тасмага ёзиб олиб, ярим тунда ёки эртасига иш вақтида кўрсатиш одат тусига кириб қолди. Тўғридан-тўғри репортажлар мутлақо берилмай қўйди. Ваҳоланки футболга республика ҳукумати муҳим масала, деб қараётган ҳозирги пайтда бундай ҳолатларга чек қўйиш керак.

«ЎЗ УСЛУБИМИЗНИ ТОПДИК»

Жамоа бош мураббийси ва бошлиғи М. Н. РАҲИМОВ билан мулоқот

— Маҳмуд Ниғматович, мана, бу йилги футбол мавсуми ҳам ниҳоясига етди. «Дўстлик» йил бошида режалаштирган (бешликка кириш) вазифасини ортиғи билан уддалаб, тўртинчи ўринни эгаллади. Муваффақият билан қутлайман.

— Раҳмат.

— Мавсум ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Умуман, бу йил бир текисда ўйин кўрсата олдик. Мухлисларга кўпроқ қувончли онлар ҳадя эта олганимиздан хурсандман. Кубок беллашувларида ҳам яхши ўйнаб, ярим финалга чиқдик. Яъни мамлакат биринчилиги сингари кучли тўрт жамоа қаторидан ўрин эгаллай олдик.

— Жамоа аъзолари маҳоратларига қисқача таъриф берсангиз.

— Жамоамиз асосан ёшлардан ташкил топган. Бу қувонарли. Соиб Аҳмедов, Жаъфар Ирисметов, Отабек Пирматов, Рустам Шоймардонов, Авазбек Хошимовлар энди йигирма ёшга тўлишади. Ҳали уларнинг келажаги олдинда. Ўз маҳоратларини ошириш устида излансалар, албатта келажакда кучли футболчилар қаторидан ўрин олишади. Дарвозабон Герман Безденежних ва Евгений Сафоновлар, ҳужумчи Фарид Хабибулин ҳам яхши ўйин кўрсатди. Жаъфар Ирисметов эса рақиблар дарвозасига 23 та тўп киритиб, моҳир тўпурарлар қаторидан жой олди. Жамоа фахрийси Тўра Шоймардоновнинг тажриба ва маҳорати ҳам оғир дамларда асқотди.

— «Дўстлик» ўз услубини топди, дединг. Бу фикрни батафсилроқ изоҳлаб берсангиз.

— Яқин масофага тўпни тез ва аниқ узатиш эвазига рақиблардан устунлик қилиш ва ҳужумни ҳам шу зайилда уюштиришни назарда тутяпман. Биз «Спартак»ча услубда ўйнашни мақсад қилиб олганмиз. Бу «Спартак»ка кўр-кўрона эргашиш эмас, балки ўз куч ва имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндошишни англатиши керак.

— Қайси бўғиндан кўнглингиз тўлди, ёки аксинча..?

— Қанот ҳимоя чизиқларини кучайтиришимиз лозим. Ярим ҳимоячилар фаоллигини ҳам ошириш даркор. Ҳужумчиларимиз эса яратилган имкониятлардан кўпроқ фойдалана олишларини истардим. Келажакда ана шу камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

— Сиз бош мураббий, жамоа бошлиғи ва айни вақтда очиқ турдаги акционерлик футбол клубининг раҳбари ҳам ҳисобланасиз. Бир кишига шунча вазифа оғирлик қилмайдими?

— Нима десам экан... Биласизми, бу энг аввало менга билдирилган юксак ишонч деб тушунаман. Қолаверса, унинг замирида битта мақсад — жамоани кучлилар сафига олиб чиқиш нияти ётади. Мен эса ана шу вазифани адо этиш учун имкон даражасида ҳаракат қиляпман.

— «Дўстлик» август ойи бошларида Германияда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб қайтганди. Эшитишимча, яқин кунларда Эронга борармишсизлар?

— Янгиликдан хабар топибсиз-да. Яна тўрт кундан кейин «Дўстлик» жамоаси ўзанида «Навбаҳор», «Нефтчи», «Пахтакор» ва «Нурафшон» жамоаларининг бир неча ўйинчилари билан мустаҳкамланган клублар терма жамоаси Эронга бориб, у ерда иккита халқаро учрашув ўтказади. Сўнгра Наманганда Ўзбекистон терма жамоаси билан куч синашамиз.

— Сиз ана шу клублар терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланибсиз. Сир бўлмаса, жамоага кимларни жалб этдингиз!

— Булар «Дўстлик» ўйинчилари Герман Безденежних, Соиб Аҳмедов, Рустам Шоймардонов, Юрий Винтовкин, Отабек Пирматов, Авазбек Хошимов, Фарид Хабибулин, Жаъфар Ирисметов, Владимир Галянов, «Навбаҳор» ўйинчилари Тохир Мадраҳимов, Марат Дилмуҳамедов, Олег Беляков, «Нефтчи» клубидан Владимир Радкевич, Алексей Мануйленко, «Пахтакор»дан Ёрқин Назаров, «Нурафшон»дан Рустам Асқаровлардир.

— Мухлислар, ҳомийларга истакларингиз.

— Бугун биз нимага эришган бўлсак, бу, албатта, энг аввало, барча ҳомийларимизнинг катта ёрдами, кўмаги, мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши эвазига бўлди. Уларга газетангиз орқали миннатдорчилигимизни етказсангиз. Бундан кейин ҳам уларнинг мадади ва ёрдамига таянамиз. Биламиз, келаси йил биздан янада юқорироқ натижа ва чиройли ўйин кутишади. Бу табиий ҳол. Шундай экан, мухлислар ўйинимиздан кўпроқ ҳафа бўлиб эмас, балки хурсанд бўлиб қайтишларини истардим. Биз — футболчилар учун уларнинг ишончини оқлаш, томошабин учун ўйнаш, олқишига эришиш катта шараф. Бу биз учун бундан кейин ҳам асосий мақсад бўлиб қолаверади.

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси Шарофиддин УМУРЗОҚОВ ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрладилар.

СЎНГГИ ЎЙИН ЛАҲЗАЛАРИ



«ДЎСТЛИК» жамоаси аъзолари тушган автобус қоқ пешинда Янгиер шаҳрига қараб йўлга чиқди. Жамоа раҳбарлари ва ўйинчиларнинг кайфияти яхши. Ҳайдовчи ёнида олдинги ўриндиққа жойлашиб олган Соиб Аҳмедов дўстларининг истакларига кўра магнитофон тасмаларини янгилаб боряпти. Шўх эстрада қўшиқлари оҳангида йигитлар дам олиб, айримлари мизғиб боряпти.

...«Янгиер» — «Дўстлик» учрашуви бошланиши биланоқ меҳмонлар ҳужумга ўтдилар. Мезбонлар ҳимоячилари моҳир тўпурар Жаъфар Ирисметовни қаттиқ назорат остига олдилар. 10-дақиқада у жароҳат олди. Бироқ, бош мураббий ҳужумчини бошқа ўйинчи билан алмаштирмади. Балки, унга ўз ҳисобидаги тўпларни ошириш имконини берди, фидойилигини яна синовдан ўтказди. Бироқ, Жаъфарнинг омади келмади. Учрашув тақдирини эса 76-дақиқада Фарид Хабибулин киритган ягона тўп ҳал қилди.

Қайтиш чоғида Тўра Шоймардонов автобусга чиқар экан, МҲСК — «Динамо» (Урганч) ҳамда «Машъал» билан «Нурафшон» ўртасидаги учрашув натижаларини маълум қилди. Демак, ҳаммаси равшан. «Машъал» олий табақада қолди. Хоразм «динамо»чилари эса кучлилар гуруҳини тарк этадиган бўлди.

... Соиб Аҳмедов яна ўз ўрнини эгаллади. Автобус йўлга тушиши билан яна шўх эстрада қўшиқлари янграй бошлади.

МАХСУС МУХБИРИМИЗ. Янгиер — Тошкент.

«ЎЗБЕКНАВО»

гастрол-концерт бирлашмаси Эстрада жамоалари дирекцияси ТУРКИСТОН САРОЙИДА 24,25 ноябрь соат 18.00 да БОТИР ЗОКИРОВ номли ёш эстрада қўшиқчилари танлови ғолиблари, «АНОР» телевизион кўригининг совриндорлари **ЗАМИРА ҚУЛАБДУЛЛАЕВА ва АНВАР ҒАНИЕВ «ОМАД» гуруҳи билан «ЖАЙРОН НЕГА КЎЗИНГ ТЎЛА ЁШ» ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР**

Дастурни аския ва сўз устаси Дилшод ИНОҒОМХЎЖАЕВ олиб боради.

Чипталар «Туркистон» саройи кассаларида соат 10.00 дан сотилади.

Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 44-56-07, 44-79-61.

«Ўзбек давлат цирки»

Республика билашмаси Тошкент Эгамбердиев номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА** 15 ноябрь — 20 декабрь кунлари

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 бўлимдан иборат **ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.**

ТОМОШАЛАР:

жума кунлари соат 18.00да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00да бошланади.

Чипталарни нақд пулга, пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.

Касса соат 10.00дан 18.00гача ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 44-35-92, 44-29-04.

Собир Раҳимов туманидаги «Центр Азия» масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги «Центр Азия» масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади. Тел. 40-54-63

Яккасарой туманидаги «МГК» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0630. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8500 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00.